

ЗУЛФИЯ



КАПАЛАК

Шеърлар

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1978.





ГУЛШОД

Гулшод қўйиб номингни,
Ўлчаймиз бўйинг гулга.
Кузатиш камолингни
Шодлик берар кўнгилга.

Барча қиздек иболи,
Барча қиздек сумбатбўй,
Сен билан тўлиқдай уй
Ҳар ким сен-ла ардоқли.

Ҳамма хислат, фазилат
Ҳали ниҳол жуссангда.
Қалб тўла орзу, ният
Ҳали бир куртак санда.

Лекин сени кўрганда
Қалбимга тўлар шодлик.
Хислат борга ишондик.
Фарзандга ном қўйганда.

Чирой тутиб номингни,
Чўзилиб қолди бўйинг.
Уйда йўқми борингни
Ошкор этади уйинг.

Рўзғор бўлса саранжом
Демак, Гулшод қарабди.
Қиздан ифор тарабди.
Гулдонда бўлса райҳон.

Тўсатдан келган меҳмон
Онасидай кутилса,
Китоб-ла тўлиқ жавон
Тунлар севиб ўқилса,

Ополса ибрат, маъно,
Эзгулик этса сеҳр,
Дарсдан баҳолар аъло
Қалб тўла дўстга меҳр.





Ўсади бизнинг Гулшод!
Лекин ҳали бари кам.
Сен яшаган юрт, ҳаёт
Беҳад буюқдир, эркам.

Сен ҳали битта куртак,
Гул бўлиб очиласан.

Минг ҳавасдан бир тилак
Қўйнига отиласан.

Тилак—на фақат буюқ
Тонгдай нурли жамоли,
Жуда ҳам бўлса суюқ
Сеникидир камоли.





ИСТАККА ИНТИЛ

Сен-чун ҳаёт янги отажак тонгдай
Бутун гўзаллиги, завқлари олдда.
Сенинг катта-катта кўзинг жайрондай
Кўкдан ерга тушган булутдай қорда.
Тонгда оёғингга киясан этик,
Этик эди сенга энг катта ҳавас,
Тепага тирмашиб чиқоласан тик
Лекин пастга қулаш муаммо эмас.
Қор қўниб эрийди, қизартиб юзинг,
Ўн бор йиқилсанг ҳам ғолиб, бахтиёр.
Оппоқ кенг дунёга лиқ тўлиб кўзинг
Боқасан, нур тўла кунга беғубор.
Боқ, интил истакка эргашиб ўғлон:
Майли қорга ботиб, йиқилиб, туриб.
Баланд-пастликлардан қўрқма ҳеч замон,
Йўқса, ҳаёт завқин бўлмайди суриб.





МЕН ТУҒИЛГАН КУН

Қизиқ, ҳар йил январда,
Мен туғилган бир кун бор.
Келишади меҳмонлар
Ёғиб турганда ҳам қор.

Энди ўрилган сочим,
Бўлганман ўқувчи қиз.
«Букун туғилган куни
Мактабдан қолар?» дерсиз.

Ўйламанг бундай деб ҳеч,
Кетдим иссиқ кийиниб.
Уят бўлар қолсам кеч,
Букун саккизга кириб.

Мактабда Гулнор, Дилбар
Мени кутиб олишди.
Туғилган кунни қизлар,
Қайдан билақолишди?

Ҳа, кеча айтдим ўзим,
Чорлагандим барчани.
Катта уй ўртасига
Безатганмиз арчани.

Ўйинчоқлар осилган,
Ёқилган ҳар хил чироғ,
Арча худди мевалар—
Пишиб ётган кўм-кўм боғ.





Аям келтирди бизга
Турли совғалар анча.
Деди: «Аъло ўқисанг,
Ҳар йил безайман арча».

Сўз бераман аямга,
Гувоҳ бўлсин қорбобо;
Ўсаман соат сайин
Ўқийман доим аъло.





КАПАЛАК

Ҳулкар деган қизчаман,
Гул ичида ўсаман.
Кўкда учса капалак
Йўлларини тўсаман.

Унга дейман:— Ҳай гўзал,
Бормоқдасан қаёққа?
Пастга туша қол бу гал,
Келиб қўн бизнинг боққа.

Ҳовлим гуллик бир боғдир,
Мен ўйнайман, яйрайман.
Ғунчаларга шеър айтиб,
Булбул бўлиб сайрайман.


Мана сенга пушти гул,
Хоҳласанг оқ гулга қўн.
Гулсавсар ҳам гўзалдир,
Анор кийган қизил тўн.


Жийда сочган ҳидини,
Ҳовли тўлган атирга.
Кел капалак, боғимга
Ўйнайлик бирга-бирга.

Капалак рози бўлди,
Келиб қўнди боғимга.
Мен ҳам унга тутдим гул
Сиғмайин қучоғимга.









Капалакни ўтқизиб
Мен унга шеър ўқидим.
Қизил гул бутоғида
Унга уя тўқидим.

Капалак хурсанд бўлди,
Севиниб қанот қоқди.
Деди: «Энди кетмайман,
Боғинг менга кўп ёқди».

Ўйнадик оқшомгача,
Қуёш уйига кетди.
Сўнг дедим капалакка:
...Ухламоққа вақт етди.

Тоза ўйнаб чарчадик,
Энди ухлаб ором ол.
Мен ҳам ухлашга ётай,
Ўртоқжоним, яхши қол!..





НЕВАРА

Улугбекка

Неварам қуюндай отилиб кириб
Қаламим тагидан қоғозни юлар.
Дамда варрак ясаб кўкка учириб,
Издан қоп-қора кўзлари юрар.

Варрак тортар шекил, мурғакни куч-ла,
Оёқ тираб силтар дакани кибор.
Айрилиб қоғоздан, шеърдан ва ҳушдан,
Боқаман варракбоз жонга бахтиёр.

Нақ бобоси сиёқ зиҳндай тийрак,
Кўкиш алангада ёнар сочу қош.
Борлиғи эзгу бир ўт бўлса керак,
Томирларда қонмас, кезади қуёш.

Дака варрак тиниқ зангори фазо
Тубига интилар, шўнғир нақ хаёл.
Талпинган кўксингда болакай, не бор,
Сен иқболга, сенга не тутар иқбол?

Невара бўлмаса, одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт.





ТИЛЛАҚЎНҒИЗ

Жийдамга келиб қўнди
Бир гала олтин қўнғиз.
Ғув-ғувиллаб каттаси
Сайрай кетди узун сўз:


«Ғув-ғув қиламиз, ғув-ғув,
Қайда бундай маза бор.
Гулда овқат, пастда сув
Ҳовли экан чаманзор.


Аммо бу ерга ҳозир
Қўнмай бурун биз гулга,
Чопиб келар Баҳодир
Ипини олиб қўлга.

Ҳали қорни тўймасдан
Бизни тутиб олади.
Чўзиб оёғимизни
Яхшилаб боғ солади.

Сўнг қўяди офтобга
Қисилиб кетар нафас.
Хўп уриниб атрофга
Эрмак бўламиз бирпас.

Сўнгра ташлаб кетади,
Ухлаб, олади ором.
Биз бўлсак-чи, қуёшда
Қолиб ўламиз ҳаром.





Фақатгина Омонжон
Бизга меҳрибон ўртоқ.
Қарар бизга тўймасдан
Кўзлари қора мунчоқ.

Аясига сўз берган
Тегмайман деб қўнғизга.
Айтинг, яна дўстларим,
Нима етмайди сизга?

Баҳодир ҳам ипини
Ҳам шўхлигин ташласа,
Омон келиб дўстини
Боғчасига бошласа.

Ғувиллаб учиб бориб,
Уни хурсанд этардик.
Омон Баҳодир—ҳамма
Иноқ бўлиб кетардик».





ШУНДАЙ ЯШАР АЛИШЕР

Алишернинг қишлоғи
Иқлимда йўқ гўзал жой
Сахий она тупроғи
Манзара, неъматга бой,


Ўрикзор этагидан
Бошланади даласи.
Ғўзалар эгатидан
Ўсар тоғлар галаси.

Токларда шовул узум,
Алишернинг вақти чоғ.

Сойда сув оқади жим,
Алишернинг кўкси тоғ.

Тутнинг кўк баргини еб
Қуртлар ўрайди пилла.
Кузда олинар йиғиб
Ердан беҳад оқ тилла.

Алишер севар барин,
Дилда истак, ҳаяжон.
Шундай пахта даласин
Бўёқ-ла чизиш армон.





ГУЛЛАРИМ


«Нега дейсиз гулларим!»-
Деб бердингиз сиз сўроқ.
Қайга тушса кўзларим,
Сизлар ўйнаб юрган боғ.

Нурни яхши кўрасиз,
Сувда урасиз жавлон.
Парваришда ўсасиз,
Гул билан сиз икковлон.

Гуллар ўқий олмас ҳам,
Қўшиқ кўйлолмас сиздай.
Босолмас олға қадам,
Чарақлашиб юлдуздай.


Сиз ҳаёти ўлкаминг,
Сиз келажак гуллари.
Яшнанг, очилинг, ўсинг.
Кўз, дилимиз нурлари.





1979 ГЭ ҮӨСГ
15206





МУНДАРИЖА

ГУЛШОД	НЕВАРА
ИСТАККА ИНТИЛ	ТИЛЛАҚУНҒИЗ
МЕН ТУҒИЛГАН КУН	ШУНДАЙ ЯШАР АЛИШЕР
КАПАЛАК	ГУЛЛАРИМ

*

Кичик ёшдаги болалар учун. На узбекском языке. ЗУЛЬФИЯ. БАБОЧКА. Стихи. Издательство «Ёш гвардия» Ташкент—1978.

Редактор Рауф Толипов. Рассом Р. Халилов.
Расмлар редактори Қ. Алиев. Техн. редактор
Л. Буркина. Корректор М. Набиева
ИБ № 551

Босмахонага берилди 6/1-1978 й. Босишга рухсат этилди 7/XII-1978 й. Формати 60×90¹/₈. Босма листи 2,5. Шартли босма листи 2,5. Нашр листи 2,64. Тиражи 105.000. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. Шартнома № 182—77. Қоғоз № 1. Заказ № 3177. Баҳоси 20 т. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

